



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **22** yil « **23** » iyun

№ **344**

Toshkent sh.

### “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 2 мартағи ПҚ-150-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 2 мартағи ПҚ-150-сон қарорига мувофиқ “Ватан таянчи” ҳаракатининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун юридик шахс бўлмаган “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги, Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва сарфлаш мақсадлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланиш тартиби;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасини “Ватан таянчи” ҳаракати раҳбари томонидан тасдиқлаш ва Тошкент ҳарбий округи молия хизматида рўйхатга олиш тартиби;

Жамғарма маблағларини ҳисобга олишни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари рўйхати асосида юритиш ва Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисботларни тақдим этиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Курбанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “23” июндаги 344-сон қарорига  
илова

**“Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик  
ҳаракатини ривожлантириш жамғармасининг маблағларини  
шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, Жамғарма маблағларини бошқариш, шунингдек, ҳисоб ва ҳисботини юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмиirlar ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг (кейинги ўринларда – “Ватан таянчи” ҳаракати) алоҳида бюджетдан ташқари маблағларини сақлаш учун “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси молия хизматида алоҳида депозит ҳисобварағида жамланади ҳамда ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

3. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш “Ватан таянчи” ҳаракатининг раҳбари томонидан тасдиқланган ва Тошкент ҳарбий округи молия хизматида белгиланган тартибда рўйхатга олинадиган йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

4. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш “Ватан таянчи” ҳаракати раҳбари томонидан амалга оширилади.

5. Йил охирида Жамғарма маблағларининг қолдиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига киритилмайди ва келгуси молия или учун Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасини тузища ҳисобга олинади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш  
ва улардан фойдаланиш**

6. Жамғарма маблағлари қуидагилар ҳисобига шакллантирилади:  
давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш

бўйича дастурлар, “йўл хариталари” доирасида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар;

“Ватан таянчи” ҳаракатининг вақтинча бўш маблағларини давлат улуши бўлган тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган тушумлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, шунингдек, бошқа хорижий донорларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### **7. Жамғарма маблағлари куйидаги мақсадларда сарфланади:**

ўқувчи ёшларга ҳар томонлама таълим-тарбия бериш мақсадида умумтаълим мактабларида амалий ва техник йўналишдаги тўгараклар фаолиятини йўлга кўйиш;

“Ватан таянчи” ҳаракатини сақлаш, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

давра сухбатлари, конференциялар, амалий машғулотлар, тренинглар, шунингдек, маданий-маърифий, оммавий-маданий ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

### **3-боб. Жамғарма маблағлари бўйича даромад сметасини тасдиқлаш ва сарфлаш**

8. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси “Ватан таянчи” ҳаракатининг раҳбари томонидан тасдиқланади ва Тошкент ҳарбий округи молия хизматида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

9. Жамғармадан маблағлар ажратиш ва уларни сарфлаш даромадлар ва харажатлар сметаси Тошкент ҳарбий округи молия хизматида рўйхатга олинганидан сўнг амалга оширилади.

10. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришлар белгиланган тартибда Тошкент ҳарбий округи молия хизматида рўйхатга олинади.

11. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган ҳомийлик хайрияларининг тўлиқ суммаси, агар ҳомий билан аниқ мақсадлар учун йўналтирилиши келишилмаган бўлса, “Ватан таянчи” ҳаракатининг фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сарфланади.

### **4-боб. Жамғарма маблағлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот бериш**

12. Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш белгиланган тартибда ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари рўйхати асосида юритилади.

13. Жамгарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот белгиланган тартибда “Ватан таянчи” ҳаракатининг раҳбари томонидан Тошкент ҳарбий округи молия хизматига тақдим этилади.

14. “Ватан таянчи” ҳаракатининг раҳбари қуидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

Жамгарма маблағларининг қонуний ва мақсадли йўналтирилиши;

Жамгарма маблағларининг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига қатъий мувофиқ равища сарфланиши;

Жамгарма маблағлари бўйича харажатларнинг тўғри ҳисобга олиниши;

Жамгарма маблағларидан оқилона фойдаланилиши;

юридик ва жисмоний шахслар (етказиб берувчилар) билан тузиладиган шартномаларнинг асосли ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ расмийлаштирилиши ва тузилиши.

## **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Жамгарма маблағларининг тўғри шакллантирилиши ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Молия-иқтисод бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бошқармаси ҳамда қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

